



2020 у «21» ноябр

№Қ-1789

«  »    20   г

**Тумандаги “О’ROL SHAXOL” номли  
боғдорчиликка ихтисослашган фермер  
хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер  
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 9 ноябрдаги 53-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 9 ноябрдаги 53-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Тошбоев Ўрол бошлиқ “О’ROL SHAXOL” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда “Беш қахрамон” массиви худудидан хўжалик харитасининг 177к-дала контурида жойлашган жами 5,20 гектар, шундан 5,20 гектар боғ ер майдони 40 (қирк) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Н.Мўминовга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз хохишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур “О’ROL SHAXOL” боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими

Р.Гаппаров



**TO'G'RI**  
ZBEKISTON RESPUBLIKAS  
SURXONDARYO VILOYAT  
QUMQO'RG'ON TUMAN  
HOKIMI UMUMIY  
BO'LIM MUDIR

Қумқўрғон туман ҳокими  
Р.Б.Ғаппаровга  
Қумқўрғон тумани, “Тайфанг”  
маҳалласида яшовчи фуқаро  
Тошбоев Урол  
томонидан

АРИЗА

Ёзаман ушбу аризани шу ҳақдаким, менга “Киндиктепа” маҳалласида  
жойлашган айрадромдан 5.2 гектар ер майдонини боғ учун беришингизни  
илтимос қилиб сўрайман.

26.10.2020



Тошбоев Урол

ҚУМҚУРҒОН ТУМАН ҲОКИМЛИГИ	САҲИФАЛАР СОНИ	
	КИРИШ №	2271/01-41
	САНАСИ	26.10.20

ҚУМҚУРҒОН ТУМАН ЕР RESURSLARI VA DAVLAT САДАСТРИ БОҒЛИГИ КИРИШ №	01-41-951
№НА	2.11.2020

Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on  
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va  
tomorqa yer egalari Kengashi

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox  
ko'chasi 3-uy



Сурхондарё вилояти Қумқўрғон  
туман фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа ер  
эгалари Кенгаши

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох  
кўчаси 3- уй

2020 йил «30» октябрь

Қумқўрғон тумани

№ 866

Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Қумқўрғон туманидаги “Тайфанг” мфй фуқароси Тошбоев Ўролга боғдорчилик фермер хўжалиги учун ер майдони олишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида.

### ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги “фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорига кўра, фуқаро Тошбоев Ўролга (АВ1405281) фермер хўжалик юритиш учун ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

1. Қишлоқ хўжалигида иш стажи 37, қишлоқ хўжалигида тажрибаси бор.
2. Маълумоти ўрта-
3. Талабгорнинг 5 бош қорамол, 185 бош қўйи мавжуд.
4. Талабгорнинг енгил автомашинаси мавжуд.
5. Талабгорнинг 3 та ишчи кучи мавжуд.
6. Талабгорнинг иқтисодий асосланган бизнес режаси мавжуд.
7. Талабгорнинг мавжуд 0.15 га томорқасига сабзаёт ва полиз экинлари экиб самарали фойдаланиб келмоқда.

Юқоридагиларга кўра, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

Қумқўрғон тумани “Тайфанг” маҳалласида яшовчи Тошбоев Ўролга Беш қаҳрамон ҳудудидан фермер хўжалиги юритиш учун ер майдони (участкалари) ажратилишига муносиб.

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га юборилсин.

Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари  
Кенгаши раиси:

2271/01-41

26.10.2020 й

А.Самадов